

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

15 ИЛ ЧИҚИШИ

№ 11 (3749).

17

ЯНВАРЬ

ЧОРШАНБА.

1968 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

ДЎСТОНА УЧРАШУВ

Польша бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг таклифига биноан, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сийёсий Бюросининг аъзолари — СССР Олий Совети Президиумининг раиси ўртоқ Н. В. Подгорний ва СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ А. Н. Косигин шу йил 12 январдан 14 январгача тайин раъснинг вазифасини ўтайди. Польша Халқ Республикаси билан Дўстона суҳбатда Польша томонидан Польша бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ В. Гомуля, Польша Бирлашган Ишчи партияси Марказий Комитети Сийёсий Бюросининг аъзолари — Давлат кенгашининг раиси ўртоқ Э. Охоб, Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Ю. Циряневич ва Марказий Комитет секретари ўртоқ З. Клишко қатнашдилар.

Партияларнинг раҳбарлари поляк-совет муносабатларини муҳокама қилдилар ва СССР билан Польша Халқ Республикаси ўртасидаги сийёсий, иқтисодий ва маданий ҳамкорлик ҳар иккала мамлакат халқларининг манфаатлари ва социалистик мамлакатлар бирлигини мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида доим кенгайиб, кучайиб бораётганидан маънуй эканлигини билдирдилар.

Учрашув қатнашчилари кўпгина халқаро масалалар ва жаҳон коммунистик ҳамда ишчилар ҳаракатидаги вазият тўғрисида фикрлашиб олдилар. Ҳар иккала томон империализмга қарши, халқлар озодлиги учун, тинчлик ва социализм учун курашда халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати бирлиги манфаатларини кўзлаб, КПСС билан Польша Бирлашган ишчи партияси ўртасидаги қардошларча ҳамкорликни бундан буюм ҳам мустаҳкамлашга интилаётганини изҳор қилишди.

Суҳбат давомида муҳокама этилган ҳамма масалаларда қарашларнинг тамомилан бир хил эканлиги намоён бўлди. Суҳбатлар ўртоқлик вазиётида, ҳамкорлик, гоҳат самимий ва дўстлик руҳида ўтди.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ X ПЛЕНУМИ ТЎҒРИСИДА ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг X пленуми 16 январь эрталаб КПСС Марказий Комитети Сийёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидовнинг капитал қурилиш ишларини тубдан яхшилаш чоралари ва Ўзбекистон партия ташкилотининг вазифалари тўғрисидаги докладини муҳокама қилишни давом эттирди.

Музокараларда Ўзбекистон қасаба союзлари республика Советининг раиси М. А. Зондов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госпланининг раиси С. К. Зиёдуллаев, Андижон область партия комитетининг секретари Н. Р. Раҳимов, Ўзбекистон ССР монтаж ва махсус қурилиш ишлари министри Ф. С. Собиров, «Главташкентстрой» 3-қурилиш трести партия комитетининг секретари Н. М. Эшонин, СССР Қишлоқ қурилиш министри С. Д. Хитров, Ўзбекистон ССР бинокорлик материаллари саноати министри П. П. Фалалеев, КПСС Марказий Комитети бўлим мудирининг ўринбосари А. Д. Дмитриев, Ўзбекистон ССР мелioresия ва сув хўжалиги министри С. М. Мамарасулов, Ўз-

бекистон ССР Қишлоқ қурилиш министри 12-трестининг бошқарувчиси М. Д. Мухортов, Ўзбекистон ССР геология министри Х. Т. Тўлаганов, Навоий қурилиш бошқармасининг бошлиғи П. И. Кавтаров, Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондонининг ўринбосари, генерал-майор А. Ф. Федоров, Ўзбекистон ССР Госстройининг раиси А. Т. Шахов ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин кун тартибидagi иккинчи масала юзасидан—республикадаги саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа ходимларининг 1968 йилги планларни мўддатидан илгари бажариш юзасидан олган социалистик мажбуриятлари тўғрисида доклад қилди.

КПСС Марказий Комитети Сийёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов яқунловчи нутқ сўзлади.

Пленум муҳокама этилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилди.

Пленум республикадаги саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа ходимларининг беш йиллик учинчи йили учун олган социалистик мажбуриятларини маъқуллади.



ЯНГИЙЎЛ районидagi «Коммунизм» колхозида қўлаб екиш кампаниясига тайёргарлик қилинган. Меҳнаткорлар экин агрегатларини барвақт ремонтдан чиқариб қўйиш учун ҳаракат қилмоқдалар. Бу ишда эвено бошлиқлари ҳам фавқ қатнашмоқдалар. Суратда: илгор эвенонинг бошлиғи меҳнаткор Темур Нурматов. У экинга бикритилган техникани яқин кунлар ичида тўла ремонтдан чиқаради. Қ. Розиков фотоси (ЎзТАГ).

КИМЁГАРЛАР ВАХТАДА

В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш учун курашга катта Чирчиқ электростанцияси комбинатининг Наби Пиримқулов ва Маъруф Орипов ўртоқлар бошлиқ сменалар аъзолари шу кеча-кундузда ажойиб ютуқларини қўлга киритишди. Улар социалистик мусобақада пешқадамлик қилиш билан бирга маҳсулот таннарини арзонлаштириш ва умумдорликни оширишда ҳам олдинги сафларда бормоқдалар.

Корхонада бундай илгор коллектив оз эмас. Пешқадамлар гайрат билан ҳар кун қўлаб қўшимча минерал ўғитлар тайёрлаб колхоз ва совхозларга томон жўнатилмайдир. Сўнгги ўн кунлик ичидаёқ бир неча вагон ўғит планга қўшимча равишда ишлаб чиқарилади. Аммиак-селитрасининг салкам 95 проценти биринчи сортларга қабул қилинди.

Кимёгарлар материал ва электр энергиясини иқтисод қилиш борасида ҳам муваффақиятларини қўлга киритмоқдалар. Беш йилликнинг дастлабки икки йили мобайнида 50 миллион киловатт-соатдан кўпроқ электр энергияси, 3,5 миллион кубометр газ, 55 миң мегакалорий буг тежалгани бунга далил бўла олади.

Корхонанинги карбонид пехи ишчилари беш йилликни мўддатидан илгари бажариш учун ўз зиммаларига конкрет мажбуриятлар олишган. Янги йилда бултургига нисбатан бир неча экин тонна кўп маҳсулот ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда. Шу мақсадда ишлаб чиқариш технологиясини янада такомиллаштириш, техника тараққиётини ўстириш чоралари қўрилмоқда. Технологик асбоб-ускуналар ремонтни мўддатини пландагидан 20 соат қисқартириш, хомашёга кетадиган сарфин камайтириш ва бошқа тадбирлар шулар жумласидандир. Бу ва шунга ўхшаш бошқа тадбирлар янги йилда кўзда тутилган марраи барвақт амалда шак-шубҳасиз муҳим роль ўйнайд.

А. ВЕЛИВУЛАЕВ.

ИЗЛАНИШ САМАРАСИ

Қўраб ва шинам турар-юй билан барпо этаётган 159-қурилиш трести меҳнатсеварлари янги-янги иxtиरोчилик ва рақобаткорлик тақлифлари билан ҳам чиқмоқдалар. Қисқа вақт ичида улар 24 та қимматли тақлиф ишлаб чиқаришга жўрий қилишди. Шу билан давлатнинг 342 миң сўмдан кўпроқ маблағи тежаб қолинди.

Ушлаб пешқадам бинокорлар топириқларини ортириб бақариш билан кифоламай, илгор илзанишлари билан ҳам қурилиш суръати ва сифатини янада кўтарашга ёрдам беришди. В. Аббасов, Л. Гайдаренко ўртоқлар томонларини шифер ўрнига асбобмент плитаси билан ёпиш ҳақида қимматли тақлиф киритдилар. Бу 178 миң сўм маблағни тежаб қолдиш имконини беради. Уларнинг иxtиरोчиликлари тақлифлари республика кўриғида илзанишлари билан амалда қилинмоқда.

Илгоркор қурувчилар янги йилда ўз илзанишлари билан коллектив ишга янада салмоқли ҳисса қўшиш ниятидалар.

Т. ДАВЛАТОВ.

МЕХНАТ ТАРОНАСИ

МАШТАЛЛАР + КАТТА ЗА-
ФАР + БЕШ ЙИЛЛИК МУД-
ДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖА-
РИЛАДИ + БИР КУНДА ЮЗ
КВАРТИРАГА ЕТАРЛИ
МАХСУЛОТ

1-темир-бетон буюмлари заводи пойтахтимиздаги энг йирик қурилиш индустрияси корхоналаридан бири. Коллектив неча йилдирки, пойтахт қурилишига қўлаб темир-бетон буюмлари, йинглам конструкциялар етказиб бормоқда. Тошкент элзвласидан сўнг завод аҳли зиммасига пойтахтнинг янги қурилишларини пилиш, муҳакам ҳамда элзвласига бардош буюмлар билан тўхтовсиз таъминлаб туришдек маъсулиятли, янги нақша шарафли вазифа юклатилди. Коллектив бу вазифани ҳам шараф билан адо этмоқда. Сўнгги бир ярим йил ичида 350 миңг кубометрдан ортиқ турли темир-бетон конструкциялар шаҳар қурилишларига жўнатилди. Махсулот сифатини яхшилаш, унинг таннарини арзонлаштириш ва турларини кўпайтириш борасида ҳам анча тадбирлар қўрилди.

— Заводимиз коллективи, — дейди завод директори Н. Клеболев, — янги йил арафасида катта галабани қўлга киритишган эди. Йиллик план 105 процент қилиб бажарилиб, пландагидан ташқари 200 миң сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Коллективнинг фидокорона

меҳнати муносиб тақдирланди. Корхонага Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, республика Министрлар Совети ва Ўзбекистоннинг Эсдалик байроғи абадий сақлаш учун берилди. Завод шахарининг Фахрий китобига ёзилди. Ишчи-хизматчилар, инженер-техник ходимлар меҳнатига берилган бу юксак баҳо коллективни янги зафарлар сари чорламоқда.

Заводнинг кўп миңг сонли аҳил коллективи Москва ва Ленинград шаҳарлари корхоналари ҳамда Тошкент саноатчиларининг ватанпарварлик ташаббусини тўла қўллаб-қувватлаб, В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш, беш йиллик планни мўддатидан олдин, яъни 1970 йилнинг 7 ноябргача бажаришга аҳд қилдилар.

Шунингдек, беш йилликнинг учинчи йили учун юксак социалистик мажбуриятлар қабул қилинди. Ишчилар янги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажминини 11 миллион 670 миң сўмга етказиш ёни юбилей йилида тайёрланган маҳсулотдан 11 процент кўп темир-бетон маҳсулотларини қурилишларга жўнатиш режаларини белгилашди.

Корхонада январь ойи ичида ишлаб чиқаришнинг планлаштириш ва моддий рағбатлантиришнинг янги системасига ўтиш назарда тутилмоқда. Муҳим аҳамиятга эга бўлган бу

вазифани амалга ошириш учун конкрет тадбирлар ишлаб чиқилди.

«Бир кунда юз квартирга етарли маҳсулотни ишлаб чиқаришга эришайлик!» — завод коллективининг аҳди шундай. Ҳар кунги заводдан маҳсулот ортилган турна қатор автомашиналар пойтахт қурилишлари томон йўл олади. Сифатли ва бежирим ишлаб чиқарилаётган девор панеллари бинокорларга маъқул тушмоқда.

Бу ерда пешқадамлар сонин тобора ортиб бормоқда. Улар ҳамкасбларини янги зафарларга даъват қилиб, меҳнат унвондорлигини ошириш, таннарини арзонлаштириш, сифат ва тежамкорлик учун курашининг байроқдорларини қўлламоқдалар. Армавурчилардан В. Матвиенко ва Е. Зарицкий, полгон деҳида ишловчи С. Сагитов, бригадирлар Н. Самсонов, А. Федотов, В. Цанков каби ўнлаб меҳнат илгорларининг номини барча ҳўрмат билан тилга олади. Улар энгилмаларидан вазифаларини ортири билан адо этмоқдалар, янги-янги рационализаторлик ва иxtиरोчилик тақлифлари билан чиқмоқдалар.

Шу кунларда корхонада қизгин иш бормоқда. Ҳамма юксак мажбуриятни шараф билан бажариш мақсадида фидокорлик кўрсатмоқда. Корхонадаги ҳар бир киши қайси меҳнат устида, улар янги марраларини қўлаб, пухта иш туттишди. Х. СУЛТОНОВ.

ИШЧАНЛИК БИЛАН

Бу корхона коллективи янги йилни меҳнатда янги зафарлар билан бошлади.

Бу йил 6100 миңг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш, планга қўшимча равишда 100 миңг сўмлик хўжалик буюмлари тайёрлаш, дейишмоқда ишчилар. Барча маҳсулотнинг тўрдадан уч қисми фақат биринчи сортли бўлади. Маҳсулот таннарини ося пландагидан анча арзонлашди. Меҳнат унвондорлиги 10 процент ўсди. Корхона коллективининг режалари шундай.

Шу кунларда корхонанинги ўринбой Тўлаганов, Собир Ўлдошев, Раҳмат Сулаймонов, Комил Гулманов каби илгорлари аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун курашишди. Улар кунлик топириқларини 110—130 процент қилиб бажариб ҳаммага ўрнак бўлишмоқда. Пойтахтдаги хўжалик буюмлари заводи коллективи янги йилда ана шундай меҳнат қилапти.

Х. ТҲҲИЕВ.

СИФАТГА ЭЪТИБОР

Бекобдаги «Далварин» мотор-ремонт заводи коллективи янги йилнинг дастлабки кунлариданоқ қишлоқ хўжалик агрегатлари моторларини сифатли қўлдан чиқариш борасида яхши натижаларга эришди. Корхонада социалистик мусобақа кенг тус олдирилган. Аиниқса, механика цехи фидокорлари беш йилликнинг учинчи йили топириқларини барвақт бажариш юзасидан бошланган мусобақанинги пешқадамлари бўлишди. А. Абдуллаев, Б. Нефед сингари ишчилар смена топириқларини мунтазам ошириб адо этмоқдалар. Ремонтчилар Бекоб район хўжаликларидан келтирилган моторларни ўзоги билан 10 мартача сифатли қўлдан чиқаришга бел боғлашган.

Ф. ЗИЕДУЛЛАЕВ.

КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ — МАСАЛАЛАР МАСАЛАСИ

Мамлакатимизнинг барча республикаларидан келиб, Тошкентни қайта тиклашда иштирок этаётган бинокорлар баракали ва сифатли меҳнат қилмоқдалар. Аиниқса, Ленинград қурилиш поезди коллективи янги объектларини тез ва соз бунёд этмоқда. Ҳар бир бинони мўддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани авж олдиришмоқда. Унда актив иштирок этаётган пардозловчилардан В. Кубишкина (олдинда), З. Фанова, В. Коршунова ўртоқлар меҳнатда касбдошларига ўрнак бўлишди. Нормани бир ярим баравага етказиб адо этишмоқда. Чандаги ҳашаматли бино ҳали қад кўтарганича йўқ. Ҳозир унинг макетини кўриб турибсиз. Бу ерга Тошкент область ижроия комитети жойлашди.

А. Тўраев ва А. Аббасов фотолари.



ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ



ШУ кунлари пойтахтимизнинг Свердлов номи концерт залида Ленинград шахрининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли А. С. Пушкин номидagi академик драма театри коллективни гастроллари муваффақиятли ўтмоқда. Улар В. Лавренконинг «Эз отангиз эсла» спектаклини томошакчилар олдида намойиш этишмоқда. Суратда: ана шу спектаклдан кўриниш.

М. Нуриддинов фотоси.

Рассом Н. Меламед спектаклнинг бош ролларида қатнашаётган артистларнинг айримларини расмийча чизган. (Пастда) РСФСР да хизмат кўрсатган артист И. К. Катеринский капитан Егоренч, (юқорида) РСФСР да хизмат кўрсатган артист Г. К. Инютинна эса Софья Ивановна родини янро этишмоқда.

СПОРТ ОЛАМИДА МУДДАТ МАЪЛУМ

Европа Кубок эгалари кубогини курашда Москванинг «Торпедо» ва Уэльсининг «Кардифф» командалари ўртасида бўлаётган ўйин тобора кескинлашяпти. Навбатдаги 11-партни 67-йўришда дуруш бўлиб тугади. Ҳисоб 6:5. И. Куверман олдиди борапти.

АНДРЕНКО АСАБИЯЛАШМОҚДА

Тбилис шаҳрида халқаро шаши бўйича жаҳон чемпиони унвонини И. Куверман ва А. Андренко ўртасида бўлаётган ўйин тобора кескинлашяпти. Навбатдаги 11-партни 67-йўришда дуруш бўлиб тугади. Ҳисоб 6:5. И. Куверман олдиди борапти.

БОЛАЛАР ОРАСИДА

30 ИЛ

Ҳа шогирди билан тасодифан учрашиб қолган Зокир ака беҳад хурсанд бўлиб кетди. Уқитган, билди берган талабани фан каттадаги бўлади-ю, хурсанд бўлмасинки? Техникага, математикага бўлган дастлабки ихлосини Зокир аканинг ўзи уйғотган эмасини?

— Ҳамма-ҳаммаси учун раҳмат сизга, — деди шогирди.

— Сизга ҳам раҳмат, техника фанлари кандидати ўртоқ Висенте Мирзаев, — дейди ҳазиллашиб устоз ва кўзларига келган қувонч ёшларини сездириб атайди.

Қувонмай, ҳаяжонланмай, тўқ қилмай бўладики, бундай дамларда. Биринчи-кетин олим ва муҳаддис, арав ва ўқитувчи, учувчи ва агроном бўлиб етишганга ўз ўқувчиларини кўрганда мураббийнинг дарё қалби ўзгача анкор билан тўқилмайдими. Бу шогирдлар мазмунли ҳаёт меваси, катта умр натижаси.

РЕСПУБЛИКА ҲИТУВЧИЛАР СЪЕЗДИ ОЛДИДИ

Ҳаёт, умр!.. Кечагина синфга биринчи бор улаиб, ҳаяжонланиб кирган ёшгина ўқитувчининг шогирдлари бугун балоғатга етибди. Ушанда унинг ўзини ўқувчиларидан ажратиб бўлмасди. Ҳудда ҳам ёш йигит эди у. Шанга ўттиз йил бўлибди. Бу йиллар қийин, лекин шарафли йиллар бўлибди.

Зокир аканинг таржиман ҳоли мураккаб. Тошкентда ўрта мактабни битиргач, туркман техникумининг тамомлади. Марини шахридаги ўқитувчилик қилди. Илга чанқоқ Зокир ўқитувчилар институтини битиргандан кейин қишлоқда. Чинобда ишлаш иштиёқини билдириб, Кейин уруш. Фронт. Госпиталя. Яна фронт. Яна госпиталь.

Уруш тугади. Салом мактаб! Шинель ва пилоткалик ўқитувчилик иш иргич ҳаёда сузлайди. Кейин педагогика институтини. Яна талабалар орасида...

Эртага республика ўқитувчиларининг катта анжумани. Сичиқлиб қарасангиз улар орасида соғларига қирон қўнган камтар ва меҳрибон Зокир, математика ўқитувчиси Зокир ака Зиганшинини ҳам учратасиз.

ОНАДА МЕҲРИБОН

Пойтахт фабрикасининг илчиси Евдокия Прохорова...

МАКТАБ МАШҲАЛЛАРИ

Ҳаёт, умр!.. Кечагина синфга биринчи бор улаиб, ҳаяжонланиб кирган ёшгина ўқитувчининг шогирдлари бугун балоғатга етибди. Ушанда унинг ўзини ўқувчиларидан ажратиб бўлмасди. Ҳудда ҳам ёш йигит эди у. Шанга ўттиз йил бўлибди. Бу йиллар қийин, лекин шарафли йиллар бўлибди.

Зокир аканинг таржиман ҳоли мураккаб. Тошкентда ўрта мактабни битиргач, туркман техникумининг тамомлади. Марини шахридаги ўқитувчилик қилди. Илга чанқоқ Зокир ўқитувчилар институтини битиргандан кейин қишлоқда. Чинобда ишлаш иштиёқини билдириб, Кейин уруш. Фронт. Госпиталя. Яна фронт. Яна госпиталь.

Уруш тугади. Салом мактаб! Шинель ва пилоткалик ўқитувчилик иш иргич ҳаёда сузлайди. Кейин педагогика институтини. Яна талабалар орасида...

Эртага республика ўқитувчиларининг катта анжумани. Сичиқлиб қарасангиз улар орасида соғларига қирон қўнган камтар ва меҳрибон Зокир, математика ўқитувчиси Зокир ака Зиганшинини ҳам учратасиз.

ОНАДА МЕҲРИБОН

Пойтахт фабрикасининг илчиси Евдокия Прохорова...

ҳақида ўтирганларга гапириб берди. Орадан қулар ўтди. Маргарита Михайловна яна бир неча бор болга аёлдан хабар олди. Қуларнинг бирида улар яна дафъатан учрашиб қолдилар. Қадронлардек, она-синилардек кўришди улар.

— Раҳмат сизга, болам тузанди, энди унга ўзининг ҳам ҳавасин келадди, маслаҳатларингиз учун таъшқур, онамдай меҳрибонлик қилдингиз менга!.

Бу лаҳза М. М. Фафанова ҳаётдан атиги бир мисол, холос.

ОЛТИ ЕШИЛ ТАЖРИБАЧИЛАР

Мактаб коллективини олдинга қўйилган бу муаммо анча қийин эди. Олти ёшдаги болалар ўқий оладими, йўқми? Бунинг аниқлаш учун тажриба синфи тузишга қарор қилинди.

Педагогика фанлари академиясининг тавсиясига биноан мактабда олти ёшли болалардан иборат тажриба синфи ташкил этилди. Бунга аспирант Қумир Абдуллаева ва тажрибали ўқитувчи Фотима она Ганиевалар раҳбар қилиб белгиланди.

Орадан бир йил ўтди. Натияжа қутилганидан ҳам қувончли бўлди. Қ. Абдуллаева тўлган тажриба раҳбар асосида кандидатлик диссертациясини ёқлади. Фотима она эса ҳамон ўша ўқувчиларга билим беришда давом этмоқда.

— Олдинда қийин вазифа турар эди. Бола психологиясини ўрганиш, онгли интизомга риоя қилиш, болада қўнимга ҳосил қилиш каби қатор саволларга жавоб беришга лозим эди. Бу ишда менга хушхотлиқ учун, хизмат кўрсатган ўқитувчи, аниқроқ муаллим Оқилхон ака Шарафуддинов катта ёрдам берди. У кишининг олдларига бориб қимматли маслаҳатлар олиб турдим. Қийинчиликлар ортада қолиб кетди. Энди қувонч билан олти яшар бола ўқий олади дейишми мумкин, — дейди Фотима онамнинг ўзи.

Ҳа, бу қийин тажриба муваффақиятли чиқди. Энди олти ёшли тажрибачиларнинг ўзлари ҳам «боллар яхши ва аъло ўқимокда» дейишди. Уларнинг қўнироқдек овозлари синфни тўттиб кетди. Уларнинг қаршисида турган аёл оҳиста энгиллаб жажжиклаб пешайасини меҳр билан сийлайди. Бу уларнинг энг севимли опатарини — Фотима Ганиевалар.

Биз сизларга Тошкент шаҳридаги 148-мактабнинг уч ўқитувчиси ҳақида ҳикоя қилимиз. Улар соғинасиз эшкорлар армиясининг уч солдатидир. Р. УМАРОВ.

СОВЕТ ХУКУМАТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНING БАРГА ҚИЛГАН ВИЗИТИ ТУРКИЯДА МИСР МАТВУТИНИНГ ЁЗГАНЛАРИ

ҚОҲИРА. Қоҳирода чиқади-ган барча газеталар ИҚСС Марказий Комитетини Сийсий Бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари К. Т. Мазуров бошчилигидаги Совет ҳукумат делегациясининг Бирлаш-

ЯМАНДАГИ АҲВОЛ

ҚОҲИРА. «Алаҳром» газетаси МЕН агентлигини маълумоти асослаб қуйидагиларни хабар қилди: Яманнынги гарбий районолардаги республикага қарши кучларнинг раҳбарлари, эгдариб ташланган ямон Албадра министрларидан бири Аҳмад Носир Асшибаг устидан чиқарилган ўлим ҳукми Санода ижро этилди. Аҳмад Носир Асшибаг суд қилинаётган вақтда Яман Республикаси территориясида қўпо-ручилиш ишлари билан шуғулланиш учун курашар-рог ва пул олиб турганлигига ижро бўлди.

ТУРКИЯДА ТАБИИЙ ОФАТ

ЛОНДОН. Рейтер агентлигининг мухбири Истамбулдан хабар беради: Туркиянинг ўрта денгизда жойлашган Баликешир вилоятидаги беш юз кишлоқ қишқи сув тошқини натижасида сув остида қолган. Туркиянинг қўпгина райони-

Европада ҳаво совуб кетди

ПАРИЖ. Сўнгги кунларда Марказий ва Ғарбий Европанинг деярли бутун территориясида ана шу районлар учун

ГОРДА АВТОМОБИЛЬ ҲАЛОКАТЛАРИ

БОНИ. Утган йили Ғарбий Германияда автомобиль ҳалокати натижасида қариб 17,5 минг киши ҳалок бўлган. Ғарбий Германия транспорт министри яна шунини маълум қилди.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

НИГЕРИЯДА УРУШ ҲАРАКАТЛАРИ

ЛАГОС. Нигерия федерал ҳарбий ҳукумат қўшинлари Порт-Харкорт районидagi Шарқий Нигерия қўшинлари позицияга кенг қўлашга ҳужум бошладилар. Федерал ҳукуматнинг информация масалалари билан шуғулланувчи коммисари Антони Энэхоро матбуот конференциясида ана шунини хабар қилди. Ҳужум қуруқликдан ҳам, шунингдек денгиздан ҳам амалга оширилмоқда, деди

Энахоро. Федерал ҳарбий-денгиз кучлари Порт-Харкорт олиб борувчи денгиз каналига қирадиган йўлни тўсиб турган оролга десант туширилди ва у ердан душман қўшинларини ҳай-қалб чиқардилар. Ҳушнинг мустақил Биафра Республикаси деб эълон қилган Нигерия шарқий

областининг йирик иқтисодий райони бўлган Порт-Харкорт ҳозирги вақтда Шарқий Нигерия қўлида қолган ягона денгиз портидир.

Америка ҳарбий хизматчилари қочиб кетмоқда

СТОКГОЛЬМ. Швецияда америкалик қочқор ҳарбий хизматчилар сонини кўпаймоқда. Американинги Вьетнамда уруш олиб бораётганлигига қарши норозилик билдириб, «Интепид» авансодидан қочиб кетган турт америкалик матросга Швеция бошона берганлиги ҳақидаги хабар Американинги Европадаги солдатлар орасига тез тарқалди. Шу заҳотиёқ америкалик уч солдат Германия Федератив Республикасида Швецияга қочиб келди.

Солдатлардан Жозеф Норвуд ва Жон Даулинлар 10 январда Швециянинг жанубидagi Хельсингборг шаҳрига келишди. Улар сўбий бошона берининг илтимос қилиб, полицияга мурожаат қилдилар.



МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

СССР БИЛАН МУНОСАБАТЛАР ҲАҚИДА

САН-ХОСЕ. «Пренса либре» газетасининг бош мақоласида Косто Рика Совет Иттифоқи билан муносабатлар ўрнатиш зарур, дейилди. Газета ёздики, агар шундай қилинса, мамлакат манфаатларига жуда мос бўлиб тушган бўлар эди. Бизнинг СССР ва бошқа чет давлатлар билан муносабатлари нисбатан деярли газетга, ўзаро ҳурмат, ички ишларга аралашмаслик, ўзаро тенгхуқуқлик ва ўзаро фойдали бўлишга, савдо ҳамда бошқа хилдаги алоқаларнинг реалистик негизига асосланган лозим.

ИРОҚ МИНИСТРЛАРИ ИСТЕФО БЕРДИ

БАҒДОД. 13 январда Бағдод радиоси орқали эштитирилган республика декретига Ироқ ҳукуматининг олти министри истефо берганлиги айтилди.

Радио министрлар нима учун истефо берганлиги сабабини маълум қилмади. Бошқа декретга биноан, уларнинг ўрнига Ироқ ҳукуматининг олти янги аъзоси тайинланган.

Генерал-лейтенант Тоҳир Яхё бошчилик қилётган ҳозирги ҳукумат ўтган йил 10 июлда тузилган эди.

ҚАРОҚЧИЛАР ЛАОС ОСМОНИДА

НЬО-ПОРК. «Нью-Йорк таймс» газетасининг Сайгондаги мухбирлари хабардор манбаларга асослаб қуйидагиларни маълум қилди: Америка авиацияси Лаос территориясига ёпирилиб ҳужум қилмоқда. Америка қўмондонлиги ана шу бетараф мамлакатга қарши қилинаётган ҳарбий ҳаракатларни зўр бериб бидирмасликка уриномқда. Бироқ, деб ёзди газетга, Американинги 250 қирув-бомбардирмончи самолёти ҳар кунини Лаоснинг шарқий районидаги ҳужум қилмоқда.

БИЛДИРИШ

Тошкент ички мухбирлар унвонсиз тингловчиларнинг наватдаги машғулотини 19 январь жума кунини кеч соат 6 да бошлади.

Ректорат.

Редактор А. ИСМОИЛОВ

Реклама ВА Эълонлар ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 даи—Москва кўрсатади. ТОШКЕНТ КўРСАТАДИ. 17.55—Эштитирилган программаси, 18.00—Телеянгиллар (рус тилида). Ўзбек тилида: 18.10—Капитал қурилишга эътибор берайлик, 18.30—Телеянгиллар, 18.50—Телефильм, 19.30—Устоз ва мураббий (ўқитувчиларнинг республика III съезидagi бағишланган эштитириши).

ИКИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КўРСАТАДИ

Рус тилида: 17.55—Эштитирилган программаси, 18.00—Ленин ҳақидаги хикоялар (болалар учун), 18.20—Капитал қурилишга эътибор берайлик, 18.45—Ленин комсомол мунофатининг лауреатлари, Олмас Сулейменов («Ештинистудияси», 19.10—Телеянгиллар, 19.20—Композитор Миннаэл Тариевнинг.

Ўзбек тилида: 20.00—Рассом табассуми, 20.15—Беш ёдгорлик (телефильм), 20.30—Шу кунингиз музикантлари. Хамиднон Жалолов 21.30—Верониканинги қайтиши (бадий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 19.40—Мафтунон соҳилларида (телефильм). Рус тилида: 20.00—Ой тўноғичи (бадий фильм), 21.35—Наташа (бадий фильм), 22.15—Берлин бўйлаб музикали сайр.

ТЕАТР

НАВОНИ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРАДА

17/1 да Дилором.

ХАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

17/1 да Парвона, 18/1 да Уғирланган умр.

МУКИМИ НОМЛИ ТЕАТРАДА

17/1 да Бағри тош, 18/1 да Жон қизлар.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

«Майдонда москваликлар» Совет циркни усталари. Радио-механик одам — «Роботизаторида Совет Иттифоқида янги ягона элентрон-иллюзион аттракцион. Раҳбари — Олег Соколов.

КИНО

Солбон аравадан тушган одамлар—«Чайка», «ЎЗБЕКИСТОН», НОВОНИ НОМЛИ, «МОСКВА» (кундуз ва кеч учун). Жин—«КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ» (ортаб соат 10, кундуз 12.4 ва кеч 9.45 минутда).

ЎЗБЕКИСТОН ССР АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ВА ТОШ ЙУЛЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ 2-АВТАРЕМОНТ ЗАВОДИГА

токарлар, чархловчи-токарлар, слесарлар, нестандарт ускуналар ва ускуналар ремонтчи бўйича: шифовачилар, пайвандчи-эртувчилар, тунукасоллар, юнчилар, қурилиш ишчилари, таъминот ишчилари, шоферлар

ТУРЛИ КАСБАЛАРГА ҲИТИШ

учун (3 ой мобайнида) шогирдлар.

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Чехов кўчаси, 18-й, надрлар бўлими.

«ЎЗЭНЕРГОСБИТ»

Ҳамма истеъмочиқларда қуниинг ёрут пайтда улардаги, магазинлардаги, корхоналардаги, қўчалардаги, шунингден буюн ичиди

ЭЛЕКТР ЛАМПАЛАРИНИ

ўзириб қўйишга сўрайди. Қуниинг ёрут вақтда ташқи ёритиш лампаларида фойдаланганларга оғох қилинмасдан

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ

узиб қўйилди.

РЕСПУБЛИКА ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРИГА

1968 йил учун

ОБУНА ҚИЛИШ

ДАВОМ ЭТМОҚДА

Обуна «Союзпечать»нинг ҳамма бўлимлари ва агентлари, фабрика, завод, қурилиш, қоллоқ, муассаса ва ўқув юрталарининг обуна пунктларида қабул қилинмоқда. «Союзпечать» бошқармаси.

Ўзбекистон Компартияси

Марказий Комитети бирлашган наشريятининг бошқармаси.

Тошкент шаҳри.

Р. 02144. Индекс—64697. № Б — 1779.